

## **“УЛАР ГЕРМАНИЯДА ЎҚИГАН ЭДИЛАР...” КИТОБИДАГИ ТЕРГОВ ХУЖЖАТЛАРИ ҲАҚИДА**

**Насиба Пўлотжоновна БОЗОРОВА**

филология фанлари номзоди

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

### **Аннотация**

Мақолада адабиётшунос Шерали Турдиев томонидан собиқ совет Давлат хавфсизлик комитети ҳужжатлари, тергов материаллари, XX асрнинг 20 йиллари матбуоти саҳифаларида эълон қилинган мақола, хабарлар асосида тайёрлаб чоп этилган “Улар Германияда ўқиган эдилар” китобининг жадид маърифатпарварлар ҳаёти, изланишлари, маслагини ўрганишдаги ўзига хос аҳамияти, маънавий-маърифий қиймати ҳақида фикр юритилади.

**Таянч сўзлар:** жадидчилик, миллий озодлик, архив ҳужжатлари, ҳамкорлик, маърифат, илм-фан, қатағон қурбонлари, истиқлол, Туркистон, Германия, сўров-анкета.

## **О СЛЕДСТВЕННЫХ ДОКУМЕНТАХ В КНИГЕ "ОНИ УЧИЛИСЬ В ГЕРМАНИИ..."**

**Насиба Пўлотжоновна БОЗОРОВА**

кандидат филологических наук

Ташкентский государственный юридический университет

Ташкент, Узбекистан

### **Аннотация**

В статье речь идет о значении и духовно-просветительской ценности изучения жизни и трудов просветителей-джадидов, приведенных в книге литературоведа Шерали Турдиева «Они учились в Германии», которая была создана на основе документов Комитета Государственной безопасности, следственных материалов и статей, опубликованных в прессе 20-х годов.

**Ключевые слова:** джадидизм, национальное обновление, архивные документы, сотрудничество, просвещение, наука, жертвы репрессии, независимость, Туркестан, Германия, опросник.

Мустакилликдан сўнг барча жабҳаларда бўлгани каби тарих ва миллий адабиёт соҳасида ҳам катта ишлар амалга ошириш зарурияти юзага келди. Шу вақтга қадар сохталаштирилган, қора бўёқлар билан чизилган, қўрқув ва умидсизликка маҳкум этилган кунлар ҳақиқатини очиш, миллат ва унинг истиқболи йўлида қилинган миллий озодлик, миллий уйғониш ҳаракати ҳақида хақ сўз айтиш имкони туғилди. Ватанимиз тарихининг XX аср бошларидаги энг муҳим ҳодисаси бўлган жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиши, шаклланиши, мақсад-ғояси, намояндаларининг ҳаёти ва ижодини

ўрганиш, асарларини нашр этиш ишлари бошланди. Бу ҳодиса кўпчилик эътиборини тортди. Ўзбекистонлик тарихчи, файласуф, хуқуқшунос, сиёсатшунос, тилшунос, адабиётшунос олимлардан ташқари хорижлик олимларда ҳам Туркистон жадидчилигига қизиқиш кучайди. Жумладан, Нью Орлеан университети профессори Лаззери, франциялик А.Беннингсон, америкалик Э.Олворт, германиялик И.Балдауф, япониялик Х.Коматсу, нидерландиялик Т.Атабаки, италиялик М.Буттино каби олимларнинг саъй-ҳаракати билан Ўрта Осиёдаги жадидчилик, уни юзага келтирган тарихий шароит, мақсад ва ғоялари ҳақидаги маълумотлар дунё афкор оммасига етиб борди [4;14].

XX аср бошларида Туркистондаги қудратли фикрий уйғонишга туртки бўлган жадидчилик ҳаракати ҳақидаги яхлит фундаментал тадқиқот профессор Бегали Қосимов томонидан амалга оширилди. Олимнинг кўп йиллик меҳнати самараси ўлароқ “Миллий уйғониш” монографияси ва Олий таълимнинг филология йўналиши талabalари учун “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” дарслиги чоп этилди. Н.Каримов, У.Долимов, О.Шарафиддинов, И.Ҳаққул, Ҳ.Болтабоев, С.Холбоев, Ш.Ризаев, Ҳ.Болтабоев, Д.Куронов каби олимлар Усмон Носир, Исҳоқхон Ибрат, Чўлпон, Мунавварқори, Беҳбудий, Фитрат каби жадид маърифатпарварларининг асарлари халқقا етиб боришида, шунингдек, мазкур асарларнинг ғоявий-бадиий жиҳатдан ўрганилишига катта ҳисса қўшдилар. Бу изланишлар натижасида “Истиқлол фидойилари” туркуми остида Миллий уйғониш даври ижодкорларининг ҳаёти, ижоди, асарлари китобхонларга тухфа этилди. Мазкур ишлар жадидшунослик учун алоҳида қийматга эгалигини эътироф этмоқ жоиз. Булар адабий илмий манба сифатида ўз аудиториясига эга.

Мустақилликнинг ilk давларида яратилиб, жадидшуносликда ўз қийматига эга бўлган яна бир асар борки, уни нафақат адабий, тарихий-илмий, балки хуқуқий манба сифатида ўрганиш мумкин. Бу адабиётшунос олим Шерали Турдиев томонидан собиқ совет Давлат хавфсизлик комитети

хужжатлари асосида тайёрлаб чоп этилган “Улар Германияда ўқиган эдилар...” [3].

Мазкур китоб олимнинг узоқ йиллик изланишлари, архив материаллари, тергов баённомаларини синчиклаб ўрганиши, одамлардан бу борадаги жонли хотираларни эшитиб, ёзиб олиши, XX асрнинг 20-йиллари матбуоти сахифаларида эълон қилинган мақола, хабарлар мушоҳадаси ва таҳлили асосида юзага келган. Китобда Германияда таҳсил олиб, юрга қайтган 12 нафар талаба ҳамда Германия таҳсилидан сўнг Ўзбекистонга қайтмаган 5 нафар шундай юртдошимизнинг ҳаёти фактик материаллар асосида ёритилган. Ҳар бир шахснинг биографияси, ўша даврда қайси фан тармоғида фаолият юритгани, маърифатпарварларнинг ўй-хаёллари, истак ва интилишлари ўзига хос услубда ёритилган. 1922 йилда улуғ ният, ягона мақсад, юксак орзу-ҳавас билан Германияга юборилган, миллат дарди билан ёнган, ўтюрак, оловқалб 70 га яқин талабанинг аянчли тақдири 17 шахс тақдирида жамланган. Китоб кириш, хулоса ва иловалардан ташқари тўрт асосий қисмдан иборат. Муаллиф китоб муқаддимасида тарихий жараённинг такрорланишига эътибор қаратган. Мамлакат мустақилликка эришилгач, талантли ёшларимизнинг “Умид” жамғармаси грантлари орқали Европа, Америка ва Осиёдаги нуфузли олий ўқув юртларига иқтисод, ҳалқаро ҳуқуқ, информатика, ахборот технологиялари, табиий фанлар, қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш ва бошқа соҳалар бўйича таҳсил олишга юборилгани ва улар қайтиб, бугунги кунда республикамизнинг турли муассасаларида самарали фаолият олиб бораётгани қайд этилган. Муаллиф айни шундай ҳаракат илк бор бундан анча йиллар, аниқроғи, XX асрнинг 20-йилларида рўй берганини хотирлаб, Туркистондан Германияга ўқиш мақсадида юборилган ёш, навқирон йигит-қизларнинг сиёсий тузум, қатағон қурбони бўлганини сўзлайди ва истибдоднинг миллат тақдиридаги жароҳат, оғриқларига нигоҳ қаратади. Асарда номи зикр этилган ҳар бир шахснинг “қийратилган қисмати” юракка чексиз мунг, изтироб, оғриқ солади. Уларнинг бугунги ҳаётимиз, келажагимиз учун чеккан заҳматлари,

қийноқлари виждонимиз олдида масъулият, бурч ҳиссини уйғотади. Айниқса, китобнинг “Германияда ўқиб Ўзбекистонга қайтиб келган талабалар” қисмида келтирилган Абдуваҳоб Муродий, Солих Мұхаммад, Саттор Жаббор, Тўлаган Мўмин, Султон Матқул, Бася Матқулова, Марям Султонмуродова, Хайриниса Мажидхонова, Гулсум Рахимова (Ашрафий), Насриддин Шераҳмедов, Фузайл Шераҳмедов фаолияти ҳақидаги фактик материаллар орқали кўз олдингизда тарих жонланади. Бу жонли манзаралар навниҳол йигит-қизларнинг Германия – бегона жой, ўзга миллат ҳаётига кириши, тил билишга интилиши, иқтисодий қийинчиликларни ҳал қилиши, ночорликка чора излашлари, билим олиши ва ўрганганини юртга қай тахлит етказгани, ватанга қайтгандан сўнг иштиёқ билан ишга киришгани, ўз соҳаларида янгилик ва ислоҳотлар амалга оширгани ҳақидаги ҳақиқатлар англашади. Кейин эса уларга нисбатан амалга оширилган тазиик, ишончсизлик, тухматдан асаблар қақшайди. Айниқса, тергов жараёни, айбларнинг асоссизлиги, фактларни бузиб талқин қилиш ва энг сўнгида чиқарилган ҳукм зўравон мафқуранинг қиёфасини ёрқин очиб беради. Муаллифнинг тергов материалларини ўргангани, собиқ тузумнинг асоссиз равишда миллат зиёлиларини йўқ қилишга қаратилган ҳаракатлари ҳақидаги фикрларига қўшиласиз.

“Улар Германияда ўқиган эдилар...” барча соҳанинг илғор вакиллари тақдирини ҳикоя этиш жиҳатдан ҳамма учун бирдек керакли, қизиқарли. Жумладан, китоб ҳар жиҳатдан бой, хусусан, юридик соҳа вакиллари учун ҳам бекиёс материални ўзида жамлаган. Унда ҳар бир шахснинг ҳаёти ва фаолияти илмий изчиллик асосида ёритилиши билан бирга унинг қисматини белгиловчи тергов жараёнига доир аниқ ҳужжатлардан ҳам самарали фойдаланилган. Бу материаллар асосида Қизил империя ҳукуқ тизими, тергов мақсади, сўроқ тактикаси, гувоҳларни юзлаштириш, қўрсатмаларнинг расмийлаштирилиши, далилларни тақдим этиш каби соф юридик жараён ҳақида холосалар чиқариш мумкин. Мисол сифатида, Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги, зироатчилик, дехқончилик тараққийсини кўзлаган Абдуваҳоб

Муродий ҳақидаги маълумотларга эътибор қиласиз. Муаллиф Абдуваҳоб Муродий ҳақида дастлаб Берлиндаги Қишлоқ хўжалиги академиясида ўқиган ва 1937 йилда сталинча қатағон қурбони бўлган Солиҳ Муҳаммаднинг укаси Мансур Муҳаммедов билан 90-йилларнинг бошларида бўлган сұхбатларидан бирида эшитади. Мансур ака Абдуваҳоб Муродий номини фахр билан тилга олгани, унинг Германияда ўқиб келган акаси Солиҳ Муҳаммад билан яқин дўст бўлгани, у билан бирга Ўзбекистонда пахта уруғи ва унинг янги навлари устида бирга иш олиб боргани ҳақида сўзлаб берган. Шунингдек, маориф фахрийси Рукнуддин ота Муҳаммедининг айтганларидан Абдуваҳоб Муродийнинг 1997–1898 йилларда Тошкентдаги Эгарчи маҳалласида туғилганини аниқлаган [3; 50]. Захматкаш олимнинг миллат зиёлиларининг тақдири, уларнинг ҳаёти, фаолияти, маслаги ҳақидаги изланишлари “Қатағон қурбонлари” борасидаги ҳукumat қароридан сўнг янада қатъий тус олган. Шундан сўнг у республика Миллий хавфсизлик хизмати (ҳозир Давлат хавфсизлик хизмати)га мурожаат этиб, мазкур муассаса архивидан Абдуваҳоб Муродийга оид тергов материалларини олиб, батафсил танишиб чиқади. Унинг ёзишича, бир неча жилдлик тергов материаллари сахифаларида Мунаввар қори Абдурашидхонов, Салимхон Тиллахонов, Нажмиддин Шераҳмад ўғли каби миллий истиқлол фидойилари ва бошқа шахсларнинг Абдуваҳоб Муродий билан турли даврдаги муносабатлари, унинг кўрсатмалари бўлган [4; 51]. Бу тергов материаллари орасида Абдуваҳоб Муродийнинг терговчиларнинг саволларига ўз қўли билан араб ёзувидаги ўзбек тилида ёзган жавоблари ва бу жавобларнинг рус тилига таржималари ҳам бўлган. Тергов материаллари ўрганилар экан, ўқувчи 1930 йил 25 апрелда БДСБ (Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси) томонидан қамоққа олинган ва шу қуниёқ маҳбуслик анекетаси тўлдириб, анкетанинг охирги сахифасига “А.Мурод” деб имзо чеккан шахс, унинг ҳаёт йўли, фаолияти ҳақида кенг маълумот олади. Мунавварқори Абдурашидхонов раҳбарлигига “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси сифатида қамоққа олиниб, бир йилдан ортиқ вақт давомида қийноқ ва ҳақорат остида сўроқ

қилинган А.Муродийнинг мазкур кўрсатмалари жисман маҳв этилган, бироқ руҳан эгилмаган, қалб ҳақиқатлари, ўз орзу-мақсадининг тўғрилига катта ишонч билан яшаган миллат зиёлиларининг қонли тарихидан сўзлайди. Уларнинг мамлакат илм-фани, истиқболи учун қай даражада қайғургани, тўсиқ ва қийинчиликлар, ҳатто ўлим хавфига қарамай, ўз олдига қўйган мақсадга эришишдаги ҳаракатлари юракни нурлантиради. Уларнинг қисмати, маслаги билан танишиш бугун мақсадсиз тентираб, умрини беҳуда совураётган аксар ёшларга таъсир этиши, мақсад ислоҳига чақириши шубҳасиз. Жумладан, терговда Туркистондан Германияга бориб таҳсил олган ёшларнинг асосий мақсади нима эканлиги сўралганда, А.Муродий хорижий тилларни ўрганиб, Оврўпо (Европа) илм-фани ютуқларини мамлакатга олиб кириш эканини баён этган ва шундай деган: “Шу мақсадда тил курсларини тутатиш билан тездан энг иқтидорли йигитларни имкон қадар турли-туман саноат ва илм-фан жабҳаларига кенгроқ тақсимладик. Шу билан бирга ўша илмларнинг асосларини мукаммал эгаллаш, туркий тилда уларнинг терминологик луғатларини тайёрлаш, керак бўлганида ўзимизда янги авлодни етиштириш учун ўша фан ва ҳунарларнинг ўқитиш усулларини ўзлаштиридик. Китобларини тўплаб, кенгроқ маълумотларни ўзлаштиришга, таржималар қилишга интилдик. Мақсад Ватанга катта илм билан қайтиш эди”. Кўринадики, мақсад ниҳоятда улуғ бўлган. Илм ўзлаштиришнинг энг самарали усули танланган. Ҳар қандай фан, аввало, шу соҳада кўлланадиган фаол сўзлар луғати, термин ва таянч тушунчаларни ўрганишдан бошланади. Қолаверса, соҳага доир энг сара китобларни таржима қилиш ҳам муваффақиятга йўл очади. Буни тўғри англаган маърифатпарвар ёшлар Абдурауф Фитрат, Мунавварқори каби раҳнамолари тавсияси билан мазкур ишларга шиддат билан киришган ва мақсадига эришган. Жумладан, А.Муродий Германиядан келтирган китоблари асосида болалар учун немис адабиётидан таржималар қилган, "Ботаника", "Пахта етиштириш усуллари" каби дарслик ва қўлланмалар яратган.

Бироқ уларга қилинган тазиқнинг кун сайин кучайиши, ноҳақ айблар қўйилиши, таъқиб остига олиниши Оврўпога Ватаним равнақи учун хизмат қиласман, деб йўл олган баъзи талабаларнинг юрагида қўрқув уйғотган ва бир қисм ёшлар хорижда қолиб, ўз умрини ўша мамлакат фани истиқболига сарфлаган. Лекин Абдуваҳоб Муродий каби зиёлиларни Ватанга фойдам тегади, деган мақсад юрга етаклаб келган. Унинг “Ватанимда осон бўлмаслигини билганим ҳолда қайтдим. Тирик қолсам Ватанимда яшайман, акс ҳолда унга хизмат қилиб ўламан…”, деган икрори, шубҳасиз, ҳақиқат бўлган.

Ш.Турдиев китобда тергов материалларини борича тақдим этмайди. Уларни ўрганиб, баъзан кўрсатмаларнинг асосий мазмунини қайд этади, муҳим бўлган ўринларда эса хужжатдаги кўрсатмаларни айнан келтиради. Масалан, “Абдуваҳоб Муродий 1930 йил 2 июлда тергов саволларига берган жавобида Германияга қандай маблағлар ҳисобига ўқишига кетгани ва бу борада унга ёрдам қилган кишилар ҳақида сўзлаб бундай дейди:

“... 1919 йилда Ўзбекистондан жўнаб кетдим. Ўзбекистондан жўнаб кетишимга биринчиси, Туркияда маълумот олиш иштиёқи бўлса, бошқа сабаби Ҳайдар Шавқий билан келишмовчилигимиз бўлди. Биз тўғри Туркияга қараб йўл олдик. Лекин йўл тополмай, Афғонистон территориясига ўтишга мажбур бўлдик. Афғонлар бизни Мозори Шарифда 3 ой ушлаб, Қобулга жўнатдилар. Бу ерда 1919 йилдан то 1920 йилгача қийин ахволда яшадик...” [3;51].

Муаллиф тергов саволлари ва унга берилган жавоблар орқали терговчининг мақсади ва тергов қилинаётган шахснинг жавобларидан эса у назарда тутган моҳиятни таҳлил этган ва унга муносабат билдирган. Китобда айланувчини сўроқ қилиш баённомасидан ташқари, гувоҳни сўроқ қилиш, гувоҳларни юзлаштириш, айбига иқрор бўлиш, тинтуб ўтказиш, ашёвий далилларни олиб қўйиш, қамоққа олиш ҳақидаги санкция, суд хукми каби процессуал хужжатлар матнидан намуналар ҳам (тўлиқ бўлмаса ҳам) келтирилган. Қолаверса, китоб мутолааси одам тақдирига ўша давр хуқуқ

тизими қандай муносабатда бўлган, тергов ходимлари, уларнинг айбланувчига муносабати, ҳукм ва ижро каби бир қатор инсон ҳуқуqlари билан боғлиқ масалалар ҳақида ҳам баҳс юритишга имкон беради.

Умуман, мазкур китоб тарих, маънавият, адабиёт билан бир қаторда ҳуқуқ соҳасида таҳсил олаётган талабалар учун жуда фойдали. Китоб ёш авлод қалбida миллат маънавияти, тараққиёти учун шу қадар хўрликлар тортган, эзгулик, маърифат йўлида жонини қурбон этган Германияда ўқиган ватанпарварларимизга нисбатан муҳаббат уйғотиши тайин. Айтиш жоизки, китобда жамият тараққиётининг сабабчилари тақдири ҳикоя этилган. Шу боис мазкур китобни қайта нашр этиб, мактаб, ўрта-маҳсус, олий таълимда таҳсил олаётган ёшларга етказиш лозим. Ажаб эмаски, глобаллашув шароитида ўз мақсади, интилишларини аниқ белгилай олмаётган аксар ёшларимиз қалбida Германияда ўқиган ватандошларимизнинг маслаги, интилиши, юргига содиклиги намуналари куртак отса.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Jadidlar. To‘plam. –Toshkent: Yoshlar nashriyot uyi, 2022.
2. Ирзаев Б. Германия таълимини олиб қатағонга учраган жадидлар - биринчи ўзбек агрономи Абдуваҳҳоб Муродий.  
<https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan-53638773>
3. Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар... – Тошкент: Фан, 1991.
4. Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент: Маънавият, 2002.